

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 28 октябрь, № 210 (4873)

Чоршанба



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 27 октябрь кун Оқсаройда МДХнинг Темир йўл транспорти бўйича Кенгаши раиси, «Россия темир йўллари» ОАЖ президенти Владимир Якунинни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари темир йўлчиларининг ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётганини, уларнинг Тошкентда ўтаётган форуми бу фикрнинг яққол далили эканини таъкидлади. Пойтахтимизда ўтаётган форумда темир йўл компаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини янада такомиллаштириш, уларнинг бошқа халқаро транспорт тармоқлари билан интеграциялашувини фаоллаштиришга доир, шунингдек, бошқа иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий, ташкилий масалалар кўриб чиқилмоқда.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда В. Якунин самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, МДХ ва Болтиқбўйи темир йўлчилари форуми юксак савияда ташкил этилгани ва ўтказилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва МДХ ҳамда Болтиқбўйи давлатлари темир йўл компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Иордания пойтахти Оммон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарининг араб тилидаги наشري тақдими бўлиб ўтди.

ИОРДАНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Тадбирда Иорданиянинг Давлат сектори масалалари бўйича вазири Нэнси Бакир, Иордания Ташқи ишлар вазири ва ушбу мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик корпуслар, маҳаллий илмий, ишбилармон ва ижтимоий доиралар вакиллари, журналистлар иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Иорданиядаги ўзбек халқининг меҳнати билан эришилган улкан иқтисодий натижалар уни хайратга солиган. «Фақат кенг иқтисодий дунё-қарашга эга раҳбар томонидан бошқарилаётган халқини биз бугун танишган иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда юқори натижаларни қўлга киритишга қодирдир», дея таъкидлади Самар ал-Лабад хоним.

Биз ва дунё

«Абу Фазалии групп» халқаро компанияси бosh директори Луай Абу Фазалии Ўзбекистон Президентининг мазкур асари, унинг асосий моҳияти ҳақида сўз юритар экан, «Ўзбекистонда олиб борилган изчил ислохотлар натижасида эришилган муваффақиятлар мамлакатнинг тўғри, тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали иқтисодий ва сийсий ҳамкорлик учун очиқлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон иқтисодиётига, хусусан, дунёнинг муулсон давлатларидан йўналтирилган сармоялар ҳамкорларининг ушбу ёш мамлакатга ишончи, унинг имкониятлари ва истиқболларига берилган юқори баҳолардан далолатдир», дея таъкидлади.

Иорданиядаги ўзбек диаспораси раҳбарларидан бири, тадбиркор Мухаммад Амин Бухарин аса куйидаги мулоҳазаларни билдирди: «Ватандан олисда туриб биз унинг ютуқларидан жуда ҳам хурсандимиз, мустақиллик ҳақида орзу ва дуо қилган аждодларимиз мамлакатининг тараққиётдан завқланамиз. Президент Ислам Каримов раҳбарлигида олиб борилган иқтисодий ислохотлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўз самардорлигини кўрсатди, бу аса Ўзбекистоннинг ривожланиши ҳақидаги умидларимизни мустаҳкамламоқда.

Тадбир чоғида иштирокчилар мамлакатимизнинг бугунги кундаги сармоявий ва сийсий салоҳияти, бўлажак парламент сайловларининг ўтказилишига тайёргарлик жараёнининг бориши билан ҳам танишишди.

«Жаҳон» АА. Оммон



МДХга аъзо давлатлар Темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг Латвия, Литва, Эстония темир йўл маъмуриятлари вакиллари иштирокидаги 51-мажлиси доирасида «Тошкент йўловчи вагонлари» ни қуриш ва таъмирлаш заводи» очик акциядорлик жамиятида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тизимида кирувчи турта йирик ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқарилган транспорт воситаларининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкентда МДХга аъзо давлатлар Темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг Латвия, Литва, Эстония темир йўл маъмуриятлари вакиллари иштирокидаги 51-мажлиси бошланди.

Ушбу нуфузли халқаро орган форумининг Тошкентда ўтказилиши Ҳамдўстлик давлатларининг иқтисодий ҳамкорлигида, Евроосиё мамлакатлари темир йўл идораларининг ўзаро ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, жаҳон транспорт тармоғига янада интеграциялашиш бўйича амалга оширилаётган самарали ишларда Ўзбекистоннинг нуфузи ортиб бораётганининг эътирофидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ҳамдўстликка аъзо давлатлар Темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг 51-мажлиси иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари Б. Хўжаев ўқиб эшиттирди. Мажлисда сўзга чиққан «Россия темир йўллари» очик акциядорлик жамияти президенти В. Якунин, «Озарбойжон темир йўллари» ёпиқ акциядорлик жамияти раиси А. Аскеров, Беларусь темир йўллари бошлиги А. Сивак, «Латвияс дзелзельс» бошқаруви раиси У. Магонис ва бошқалар тармоқ

мутахассисларининг бундай доимий учрашувлари иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа масалаларни ҳал этишда ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади. Бу борада эришилаётган келишувлар юк ва йўловчи ташвиш жараёнини самарали ташкил этиш, поездлар ҳаракати хавфсизлигини ошириш, тариф сийсатини мувофиқлаштириш, мавжуд транспорт йўлақларидан оқилона фойдаланиш имконини бермоқда.

Бу галги мажлисда темир йўллар ишининг долзарб масалалари, поездлар ҳаракати жалвали ва уларни шакллантириш режалари, вагон оқимлари йўналишлари, ўзаро ҳисоб-китоб тартиби ва қондаларни такомиллаштириш, юк вагонларини таъмирлашда янги технологияларни жорий этиш, аввал қабул қилинган қарорлар ижроси ҳамда жорий йил тўғрисида ойда эришилган натижалар кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ НАМОЙИШИ

Тадбирда «Ўзтемирйўл-маштаъмирлаш» унитар корхонасида ишлаб чиқарилган «UzTE16M» русумидаги икки секцияли тепловоз намойиш этилди. Ушбу корхонада ҳар йили 150 дан ортик тепловоз ва электровоз, 350 дан зиёд юк ташвиш вағони капитал таъмирланиб, модернизация қилинади, шу тариқа улардан фойдаланиш

(Давоми 2-бетда).

ХУСУСИЙ ТИББИЙ ФАОЛИЯТ ВА ҚОНУНЧИЛИК



Мамлакатимизда инсон саломаатлигини муҳофиза қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Табиийки, бу соғлиқни сақлашнинг хусусий тизими ҳам бевосита дахлдордир. Натижада хусусий тиббиёт муассасаларида кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ошиб, қўлами ҳам йилдан-йилга кенгайиб бораётди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва иқтисодий масалалар қўмитасининг «Соғлиқни сақлаш тизимида хусусий тиббий фаолиятни амалга оширишнинг ҳуқуқий жиҳатлари» мавзусидаги давра суҳбатидан айнан ушбу масалалар атрофида муҳокама этилди.

Дарҳақиқат, соғлиқни сақлаш соҳасидаги муносабатлар 200 дан ортик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Хусусан, 13 та қрун, Вазирилар Маҳкамасининг қўллаб қарорлари, вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларнинг Адлия вазир-

лигида рўйхатдан ўтказилган 55 та ҳужжати шулар жумласидандир.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, ҳозирда аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатиш қўлами ошиб бормоқда. Жумладан, 2009 йилнинг 1 май ҳолатига қўра, республикада тиббий фаолият юритиш учун лицензия олган 1590 та юридик шахс мақомига эга нодавлат тиббиёт муассасаси ва 1187 нафар жисмоний шахс, яъни яқка тартибдаги тадбиркор мавжудлиги аниқланган. Мазкур тадбиркорлик субъектларининг тиббий хизмат кўрсатишга оид фаолияти «Фуқаролар соғлиқини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-11-моддалари ҳамда бош-

(Давоми 2-бетда).

ҲАМДЎСТИККА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ БЎЙИЧА КЕНГАШИНИНГ 51-МАЖЛИСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Муҳтарам мажлис иштирокчилари! Қадрли меҳмонлар! Темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг навбатдаги мажлиси қатнашчиларини меҳмондўст Ўзбекистон заминидан самимий кутлашдан гоят мамнунман. Буюк Ипак йўли ўтган мамлакатимиз қадим замонлардан буюн бепоён Марказий Осиё минтақасида муҳим геостратегик ўрин эгаллаб келган ва ҳозир ҳам эгаллаб келмоқда. Бу ердан азалдан асосий савдо йўллари ўтган ва кесишган, турли цивилизациялар ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлик қарор топган. Шарқ ва ГАРБИ, Жануб ва Шимолни магистраль йўллар орқали туташтирган Ўзбекистон бугун ҳам улкан транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Ҳозирги кунда дунёда, айниқса, минтақамизда рўй бераётган чуқур ва изчил сийсий-иқтисодий жараёнлар амалдаги транспорт йўлақларидан оқилона фойдаланиш билан бирга, мавжуд йирик халқаро бозорлар ва фалол шаклланиб бораётган истиқболли бозорларни боғлайдиган янги, самарали йўналишларни очиб ва ўзлаштиришни тақозо этмоқда.

Бу узоқ муддатли умумий манфаатларимизга мос келадиган, бой табиий захиралар ва минерал-хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланишни таъминлашга қўмаклашди, шунингдек, давлатларимизни ижтимоий-иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг кафолати бўлиб хизмат қилди ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар очади.

Ўзбекистон темир йўл тармоғини модернизация қилиш бўйича 2013 йилгача мўлжалланган комплекс дастур ана шу вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Ушбу дастур поездлар паркинги янгиланган, йўлларни қайта тиклаш, ихтисослаштирилган санаот корхоналарини реконструкция ва модернизация қилишга доир биринчи галда бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ўз ичига олган. Ушбу концепцияда, шунингдек, биз учун ва бутун минтақа учун янги бўлган тевзорар йўловчи поездлар ҳаракатини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Бу темир йўл транспорти ва унга нисбатан одамларнинг муносабатини тубдан ўзгартиради.

Ишончим комилки, мамлакатимиз ҳудудида мураккаб табиий-иқлим шароитида «Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон» замонавий темир йўл линияси бунёд этилгани, фаолият кўрсатаётган «Навоий» мультимодаль логистика марказининг ривожлантирилиши, шунингдек, Ўзбекистонлик мутахассислар томонидан Трансафгон транспорт йўлининг «Хайратон — Мозори Шариф» қисмининг барпо этилиши минтақа давлатларининг транспорт-коммуникация ва транзит имкониятларини янада кенгайтиради.

Темир йўл транспорти бўйича Кенгаш мажлисида муҳокама қилинаётган масалалар ушбу тузилмага аъзо давлатлар вакиллари учун долзарб бўлиб, муҳим аҳамият касб этади. Бу масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши, шубҳасиз, темир йўл тизимини янада такомиллаштириш, давлатларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутадиган мазкур соҳада интеграция жараёнларини чуқурлаштириш имконини беради.

Барчангизга мустаҳкам сийхат-саломаатлик ва кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Ислам КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИНГ ЧИНАКАМ КЎЗГУСИ



Нихоясига өтаётган октябрь ойида мамлакатимиз ҳаётида юз берган воқеа-ҳодисаларни қузатган киши, албатта, Ўзбекистон иқтисодиётининг пойдевори тақ-заминли эканлигини ва барқарор ривожланаётганига яна бир қарра гувоҳ бўлади, десак, бу айни ҳақиқатдир. Зеро, мазкур ой давомида ўтказилган йирик тадбир, анжуман ва ярмаркалар республикамиз иқтисодиётининг жаҳон ҳамжамияти билан тобора интеграциялашиб, унинг салоҳияти изчил юксалиб бораётганини ёрқин ифода этади.

Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан учинчи бор ташкил этилган Халқаро санаот ярмаркаси ва Кооперация биржаси санаотимиз ютуқларининг йирик намоийишига айланган кетдики, натижада унинг муддати яна уч кунга узайтирилди.

Халқаро санаот ярмаркаси ва Кооперация биржаси ижроия қўмитасидан маълум қилинишича, тадбир кундалигидаги бундай ўзгаришлар ўз-ўзидан рўй бергани йўқ, албатта. Аввало, унга бўлган қизиқишнинг ортиши, томонларнинг талаб ва эҳтиёжи шуни тақозо қилди. Бу иштирокчилар учун санаотимизнинг бугунги салоҳияти ва истиқболли ҳақида етарлича маълумот олиш имконини кенгайтира-

ни билан янада аҳамиятлидир.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармок ва тармоклараро санаот кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида ўтказилаётган мазкур тадбирлар ўтган операция биржаси ижроия қўмитасидан маълум қилинишича, тадбир кундалигидаги бундай ўзгаришлар ўз-ўзидан рўй бергани йўқ, албатта. Аввало, унга бўлган қизиқишнинг ортиши, томонларнинг талаб ва эҳтиёжи шуни тақозо қилди. Бу иштирокчилар учун санаотимизнинг бугунги салоҳияти ва истиқболли ҳақида етарлича маълумот олиш имконини кенгайтира-

(Давоми 2-бетда).

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА



27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

қасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига биноан, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги масалаларни қўриб чиқди ва бу борада тегишли қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг барча маъмурий-ҳудудий тузилмаларида округ сайлов комиссиялари томонидан сайлов участкалари тузилганлиги тўғрисидаги ахборот тингланди. Сайлов участкалари фуқароларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадига тўғрали, ша-

ҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инobatга олган ҳолда тузилди. Мамлакатимиз бўйича 8,4 мингдан зиёд сайлов участкаси ташкил этилди.

Сайлов участкаларининг рўйхати уларнинг манзили кўрсатилган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилинади. Округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссияларини шакллантириш борасидаги ишлар бошланди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА).

ФАЛАСТИН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Фаластин Давлати ташқи ишлар вазири Риад ал-Малкийнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Тошкентда 27 октябрь куни ушбу мамлакат элчихонасининг янги биноси очилди.

Маросимда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик тамойиллари асосида ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Шу кун Риад ал-Малкий Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазириликда музокара ўтказди. Темирийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирди. Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди.

(ЎзА).

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, тадбирда 2010-2011 йилларда поездлар ҳаракатланишининг норматив жадалини мувофиқлаштириш, юк ташуви вагонларини ва контейнерларини рўйхатга олиш, халқаро ташувида тарифларга оид сиёсат, йўловчи ташуви вагонларидан фойдаланиш, шу билан бирга, халқаро йўналишларда йўловчи ташуви поездлари хавфсизлигини таъминлашнинг устувор моддий жавобгарлигини кучайтиришга доир битимга қўшимча ҳамда ўзгаришлар муҳокама этилади.

Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг Темир йўл транспорти бўйича Кенгаши 1992 йил 14 февралда МДХ давлатлари раҳбарларининг келишувига биноан ташкил этилган. Кенгаш темир йўл транспорти ишини халқаро даражада мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Темир йўлларнинг эксплуатация фаолияти, юк ташуви вагонлари ва контейнерларидан биргаликда фойдаланиш ва уларни техник сақлаш, ташуви шартларини ишлаб чиқиш, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, янги тариф сиёсатини амалга ошириш, фаолият доираси бўйича меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш масалалари унинг асосий вазифалари саналади.

Темир йўл транспорти ишини такомиллаштириш учун МДХга

аъзо давлатлар, Латвия, Литва ва Эстония темир йўлларининг мавжуд маълумотларни узатиш тармоқларини модернизация қилиш, янги ахборот алмашиш тизимини шакллантириш кўзда тутилган. Ахборот-ҳисоблаш тармоқини ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда. Темир йўл маълумотларининг Ахборот-ҳисоблаш маркази ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Давлат ва тармоқ стандартлари, бошқа меъёрий-техник ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, шунингдек, техникани ривожлантиришнинг замонавий даражасига жавоб берадиган янги ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш мақсадида темир йўл транспортдаги техника воситалари хавфсизлиги, уларни таъмирлаш ва фойдаланиш ҳамда кўрсатиладиган хизматларни стандартлаштириш бўйича давлатлараро техника қўмитаси ташкил этилди.

Темир йўлларда амалга оширилаётган ташкилий ва техник тадбирлар, уларнинг фаолиятини давлатлараро даражада мувофиқлаштириш темир йўл транспортининг барқарор ишлашини таъминлаш, йўловчилар ва юкларни зарур миқдорда ташуви имконини берди.

Ҳозир ҳамдўстлик темир йўллари ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкам тизимига эга. Юк ва йўловчи ташуви ҳамжамининг ўсиши бозор рақобатининг кескин шароитида

фаолият кўрсатаётган МДХ темир йўлчилари ўз мамлакатлари эҳтижларини муваффақиятли қондириш билан бир қаторда, транзит юкларини ҳам дадил жалб этаётганининг тасдиғидир.

Махлис қатнашчилари Ўзбекистоннинг Евроосиё транспорт йўлида темир йўл орқали ташуви бўлиб ўри тобора мустаҳкамлаб бораётганини, МДХ ва бошқа мамлакатлар темир йўлларини янада кооперациялаштириш мақсадида ўзининг транзит салоҳиятини самарали фойдаланаётганини таъкидлади. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг муваффақиятли Президент Исрол Каримов томонидан мамлакатимиз темир йўл транспорти тизимини ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор бераётган юксак самараларидир.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси давлатимиз раҳбарининг Фармонига биноан 1994 йилдан ташкил этилган. Утган йиллар давомида компания улкан ютуқларга эришди. У мамлакатимиз иқтисодийнинг муҳим бўлини сифатида Шарқ ва Ғарби бозорларга асосий транспорт воситасига айланди. Компания асосий йўлларнинг умумий узунлиги 6020 километрдан ортиқ мософани, жумладан, умумий фойдаланиладиган йўллар 4230 километр-

ни ташкил қилади. Ўзбекистон темир йўллари тармоқини комплекс равишда ривожлантириш юк ва йўловчи ташуви ҳажмининг йилдан-йилга ўсишига хизмат қилмоқда. 2004-2008 йилларда юк ташуви ҳажмининг ўсиши 45 фоиздан ортиқ бўлиб, йўловчи ташуви 24, юк ташуви 38, транзит ташуви ҳажми 52 фоиз ошди.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси юк ва йўловчи ташуви вагонлар, локомотивлари таъмирлаш бўйича замонавий база, кенг тармоқли соҳа инфратузилмасига эга. Халқаро молия институтларининг пўлат магистралларининг ишлашини янада такомиллаштириш учун йўналтирилган маблағлари фаол жалб этилиб, йирик инвестиция лойиҳалари босқичма-босқич амалга ошириляпти. Янги темир йўл линияларини барпо этиш, йўл участкаларини электрлаштириш, ҳаракатланувчи таркибини модернизация қилиш, тежор транспорт коммуникацияларини ташкил этиш компания фаолиятининг устувор йўналишларидир.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг ишлаш таърибаси Кенгаш аъзоларида ўрганиш учун тасвир этилди ва бу форумда иштирок этаётган темир йўл маъмуриятлари вакиллари қизқичқил, шубҳасиз. Уларнинг

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси таркибига кирувчи бир қатор корхоналарни бориб қўриш режалаштирилган. "Тошкент йўловчи вагонлари куриш ва таъмирлаш заводи" очик акциядорлик жамиятида ушбу ҳўжалик субъекти, шунингдек, "Ўзтемир-йўлмаштаъмирлаш" унитар корхонаси, Андижон механика заводи, "Куйиш-механика заводи" шўба корхонасида ишлаб чиқариляётган ҳамда модернизация қилинаётган транспорт воситаларининг тадқиқоти бўлиб ўтди.

— Менда янги "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" магистрალი катта қизқиш уйғотди, — дейди **Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар Темир йўл транспорти бўйича Кенгаши Дирекциясининг раиси Пётр Курченко**. — Қисқа муддат ичида юриш қийин бўлган тоғли ҳудудда зарур инфратузилмага эга замонавий темир йўл барпо этилгани мени ҳайратга солди. Ишоним комилки, ишга туширилган ушбу темир йўл тармоғи нафақат мазкур ҳудуд, балки бутун мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ва одамлар ҳаётини янада фаровонлаштиришга хизмат қилади.

"Қозғистон темир жолы" **Миллий компаниясининг вагон ҳўжалиги департаментининг директори Слямбек Риспаев**: — Биз Ўзбекистон темир йўлла-

ри жадал ривожланаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу ерда вагонлар ва бошқа зарур техникани ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган, кадрлар масаласи муваффақиятли ҳал этилмоқда, соҳа ходимларининг ижтимоий-маданий таъминоти катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси янада салмоқли натижаларга эришиш, юк ва йўловчи ташуви ҳажмини муттаасил ошириш имконини беради.

Халқаро темир йўллар иттифоқи бош директори Жан-Пьер Лубино:

— Иттифоқимизнинг қароргоҳи Парижда жойлашган бўлиб, у бутун дунёдаги темир йўллар, 200 дан ортиқ темир йўл компанияларини бирлаштиради. Биз уларга муайян вазибаларни ҳал этишда ёрдам бериш мақсадида турли лойиҳаларни илгари сурагимиз ва кўмаклашамиз. Иттифоқимиз поездларнинг юқори тезлик билан ҳаракатланишини ривожлантириш, темир йўлда ташуви хавфсизлиги, давлатлараро темир йўл йўлакларидан ўтишда тартибқоидаларни соддалаштириш каби долзарб масалалар ҳал этиладиган ўзига хос техник платформа ҳисобланади. Ташкилотимиз ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар Темир йўл транспорти бўйича Кенгаш билан ҳамкорликни кенгайтиришга интиломоқда. Ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли шакллари топамиз, деб ўйлайман.

Мажлисда кўриб чиқилаётган масалалар ва уларнинг ҳал этилиши МДХ ҳамда Болтикўйи давлатлари темир йўл маъмуриятларининг ўзаро ҳамкорлик тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришга хизмат қилади.

В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.

ЯНГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

муддати узайтирилади. Айни пайтда Коломен заводида (Россия) ишлаб чиқарилган локомотивлар модернизация қилинмоқда, дизеллар ўрнатилмоқда.

Тадбирда, шунингдек, "Тошкент йўловчи вагонлари куриш ва таъмирлаш заводи" очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган музлаткич мосламалари ўрнатилган йўловчи ташуви купе вағони ҳам намойиш этилди. Бу вагон барча техник қўлайликларга эга, унда ёнғин хавфсизлиги тизими, ёнғин сигнализацияси ва ёнғинни ўчириш воситалари ўрнатилган. Вагон ичидаги мосламалар ўтда ёнмайдиган қурилмалар билан қопланган, авария эҳтиши ҳам маъжуд. Янги вагон 36 нафар йўловчинини ўз ичига олади ва соғатига 160 километр тезлик билан ҳаракатланишга мўлжалланган.

2001 йилда ташкил этилган "Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи" очик акциядорлик жамиятида айни пайтда 1350 нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Ҳозир заводда 250 дан зиёд вагон қилиб таъмирланмоқда ва модернизация қилинмоқда, уларни ишлаш муддати яна 15 йилга узайтирилади.

Андижон механика заводида тайёрланган, нефть ва кимё маҳсулотларини ташушга мўлжалланган цистерналар ҳам тадбир иштирокчилари ва мухтаassisлар эътиборини тортди. Ушбу заводда йил давомида 150 дан ортиқ цистерна капитал таъмирланиб, 450 дан зиёд юк ташуви вағони модернизация қилинади. Бу ерда намойиш этилган бошқа янгиликлар — 11-97-69 русумдаги ёпик вагон, 12-97-68 русумдаги ярим вагон ва цемент ташуви учун мўлжалланган 13-4-12 русумидаги вагонлар ҳам катта қизқиш уйғотди. Улар Тошкент қуйиш-механика заводида тайёрланмоқда. Ушбу шўба корхона корпусларида 100 дан зиёд юк ташуви ва 100 дан ортиқ ёпик вагон ишлаб чиқарилади.

Тақдирот маросими иштирокчилари ўзбекистонлик темир йўлчилар тайёрлаган транспорт воситаларини, уларни такомиллаштиришга хизмат қиладиган янги жиҳатларни юксак баҳолади.

(ЎзА).

ХУСУСИЙ ТИББИЙ ФАОЛИЯТ ВА ҚОНУНЧИЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳам маъжуд. Хусусан, ушбу фаолиятни амалга ошираётган врачлар давлат жараёни стандартларига, санитария ва гигиена қоидаларига, асбоб-ускуналар ва материалларни стерилизациялаш, шунингдек, ишлатилган тиббиёт буюмларини зарарсизлантириш, утилизация ҳамда йўқ қилиш талабларига тўлиқ риоя этмаган ҳолда хизмат кўрсатаётганлиги аниқланган.

Қизгин муҳокама жараёнида "Фуқаролар солиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунга тегишли мазмундаги ўзгариш киритилиши айни зарурат эканлиги қайд этилди. Бу янги ташкил этиляётган хусусий тиббий муассасалар фаолиятининг такомиллашуви, хусусий секторда қўшимча иш ўринлари яратилиши ва ушбу соҳада фаолият юритувчи тиббиёт ходимлари ижтимоий ҳуқуқларининг кафолатланишига хизмат қилади ҳамда нодавлат сектори томонидан аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатининг яхшиланишига ёрдам беради.

Зиёда АШУРОВА.

ОБОД ҚИШЛОҚЛАРНИНГ КЎРКАМ ЖАМОЛИ

Мамлакатимизда истиқлолимизнинг дастлабки йилларида-ноқ Президентимиз раҳнамолигида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Натижада шахару қишлоқларимиз йилдан-йилга гўзаллашиб, аҳоли турмуши фаровонлашиб бораёттир.

Айниқса, республикамиз аҳолисининг аксарият қисми истиқомат қилувчи қишлоқларимизни янада обод қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, жумладан, жорий йилга Қишлоқ тараққиоти ва фаровонлиги йили деб ном берилгани бу борадаги ислохотларни бутунлай янги босқичга олиб чиқди, дейиш мумкин.

Айни пайтда қишлоқ жойларида Президентимиз томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорларга мувофиқ, замонавий меъморчилик ечимлари асосида уй-жойлар қуриляётгани эътиборга моликдир. Бу жараёнда "Қишлоқ тараққиоти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида Тошкент шаҳрида шу йили муваффақиятли ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун яқна тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўرғазмаси материаллари қўл келмоқда. Ана шундай тадбирлар бошқа вилоятларда ҳам ўтказилаётгани, айтиш мумкинки, қишлоқ аҳолисига бўлган ғамхўрликнинг яна бир ифодаси бўлмоқда. Хусусан, шу кунларда Сирдарё вилоятининг маркази — Гулистон шаҳрида ихтисослашган кўрғазма давом этапти. Бу ерда вилоят иқлим шароити, география жойлашувига мос равишда ишлаб чиқилган намунавий тураржойлар лойиҳалари, замонавий ва тез тикланувчи қурилиш материаллари, уй-рўзгор буюмлари намойиш қилинмоқда. Шу маънода, мазкур тадбир лойиҳачи ва меъморлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилари ва улгурчи-чакана савдо компа-

ниялари вакиллари, шунингдек, қишлоқ аҳолисининг фикр алмашиши, ўзаро келишувларга эришиши учун янги имкониятларни яратаяпти. Шу боис кўрғазма майдони нафақат "Қишлоққурилишлойиҳа" институти, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясини, "Қишлоқ қурилиш банк"нинг ҳудудий филиаллари вакиллари, архитектура ва қурилиш бошқармаси ташкилотчилари, балки электр тармоқлари, газ, сув таъминоти корхоналари, пудратчи қурилиш ташкилотлари ходимлари ҳамда аҳоли билан гавжум.

Ислохот

— Бу йил вилоятимизда 3 та замонавий қишлоқ бунёд этилади, — дейди "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясининг Сирдарё вилояти филиали директори Алишер Кенжаев. — Улар Сирдарё туманидаги Собир Раҳимов, Бобўт туманидаги Деҳқонобод, Сардоба туманидаги Пахтаобод СФУлари ҳудудларида қад ростлайди. Компаниямиз ҳар бири 20 тадан тураржойни жамлаган намунавий лойиҳалар бўйича қурилиш ишларини ташкил қилиб, уларни ўз вақтида топшириш юзасидан шартномалар тузаяпти. Қурилиш ишларини бажариш мақсадида эса "Или Гулистон қурилиш", "Лазибек Асадович", "Темир пайвандчи" каби қурилиш ташкилотлари билан келишувларга эришдик.

Кўрғазмада ташкилотчи компания ва корхоналарнинг тақдиротлари ҳам ўтказилмоқда. Уларда Сирдарё ва Жиззах вилоятлари вакиллари



иштирок этиб, қишлоқ аҳолиси учун тураржойлар барпо этиш бўйича яратилган қўлайлик ва шарт-шароитлар, имтиёз ва ишчи юрилиш тартиби ҳақида етарли маълумотга эга бўлмоқдалар.

Кўрғазмада намойиш этиляётган бири-биридан чиroyли, ихчам уйлар, маданий-маиший бинолар лойиҳаларини кўриб, бениҳоя ҳурсанд бўлдик, — дейди Баҳмал туманидаги "Оқтош" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Сулаймон Мамат-

қулов. — Биласиз, бизнинг қишлоқимиз тоғ этагида жойлашган. Бу ерда 4,5 минг аҳоли яшайди. Иқлим ва географик жойлашувимизга мослаш ишлаб чиқарилган лойиҳалар асосида 20 та турт хонали уй қурилиш бошлаб юборилганидан қишлоқдошларимиз мамнун. Уларнинг йил охирига қадар фойдаланишга топширилиши мўлжаллангани, эйиқсандиқ қазовдордир. Қувонарлиси, янги қишлоқда гузар, мактаб, спорт мажмуаси, ҳаммом,

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, Қаҳрамон ҚУННОВОВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

олиш бўйича 2300 дан зиёд шартнома имзолангани ҳам аҳоли кўрсатиб турбди. Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, олди-соти шартномалари нафақат ички истеъмолчилар билан, балки хорижлик харидорлар ўртасида ҳам тузилди. Жумладан, Ҳамдўстлик давлатлари билан 2,3 миллиард АҚШ долларлик маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича 400 га яқин шартнома имзолангани бунга мисол бўла олади.

Ҳаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўпгина давлатлар ривожига ғов бўлиб турган бир пайтда юртимиз санюатида барқарор ўсиш суръатлари таъминлангани, табиийки, Ўзбекистоннинг муносиб ҳамкор эканлигини яна бир бор исботлади. Шу боис халқаро форумга қизқиш тобора ортиб, унда дунёнинг 50 га яқин давлатидан 650 дан зиёд компания ҳамда фирмалар иштирок этди.

Қувонарлиси, Халқаро санюат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ҳар бир иш кунига "Ўзэкспомарказ" мажмуи павильонлари одамлар билан гавжум бўлди. Бу ерда шунчаки томошаналаб кишиларни учратмадик, балки ҳар қадамда келгуси фаолияти учун асқотадиган фойдали ҳамкорлик учун келишувлар олиб бораётган ишбилармонларга дуч келдик. Айниқса, "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бишлоқмаси жамоаси учун тадбирлар келишувларга ниҳоятда бой бўлди. Сабоби, бу жамоа томонидан так-

лиф этилган 150 дан ортиқ турдаги маҳсулотларнинг аксарияти импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар эканлиги миқозларини эътиборсиз қолдирмади.

— Жами 13 миллиард сўмдан зиёд 88 та шартнома имзолашга эришдик, — дейди бирлашманинг ташки иқтисодий фаолият бўлими бошлиғи Азиз Эрманов. — Бу — ўтган йилги ярмар-

риш, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК Буюк Британия, Ирландия каби давлатлар билан 64 миллиард АҚШ долларлик транзит юкларини ташуви хизматлари кўрсатиш юзасидан шартномалар имзолангани бунинг эътиборидир. Тадбирда иштирок этган барча корхона ва ташкилотларнинг фаолиятдан бундай мисолларни қўлаб келтириш

Биламизки, бугунги саъй-ҳаракатлар кейинги йиллардаги натижалар янада юқори бўлишини кўзда тутди. Санюатчиларимизнинг халқаро форуми, очиги, бу борадаги ишларни жадаллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Бундай дейишимизга тўлиқ асос бор. Чунки, ярмарка қатнашчилари томонидан 2010 йилдан бошлаб ишлаб чиқариладиган қўлаб янги

маиший-савдо ҳамда сервис хизматлари кўрсатиш шохобчалари ҳам тикланапти.

Кўрғазмада кўпгина қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам қатнашиб, уларнинг вакиллари шу ернинг ўзида маҳсулотлар савдоси бўйича шартномалар имзоламоқдалар.

Билан жиҳозланган мажмуа корхона ўрта Осиёда янги вагонлар, вагон-цистерналар ишлаб чиқарила борадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти. Ушбу корхона 2010 йилдан автомобилларга чироқлар етказиб бериш вазифасини тўлиқ ўз зиммасига олгани, айниқса, диққатга сазовдордир.

Тан олиш керак, бугунги кун-

оидан бошлаб ишлаб чиқариладиган янги автомобиль двигателнинг кучи, дизайни бўйича намуна талабларига тўла жавоб бериши тадбир қатнашчиларининг барчасида қизқиш уйғотди.

Халқаро санюат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ёпиқлик маросимида таъкидланганидек, тадбирлар доирасида тармоқлару корхоналарнинг 45 та тақдироти бўлгани унинг ишчан рўҳда ва ушқоқлик билан ўтганини кўрсатади. Тадбирнинг сўнгги кунда эса йирик конференция ташкил этилди. Юртимиз ва чет эл ишбилармонлари бу конференцияда Ўзбекистон санюати билан яқиндан танишиш учун қўлай имконият бўлганини алоҳида эътироф этишди. Нега деганда, у мавзу жиҳатидан ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, геология ва қидирув ишлари, минерал хом ашё ресурсларини қазиб чиқариш ва қайта ишлаш, автомобилсозлик, қишлоқ машинасозлиги, электроника, савмолтсозлик, кимё ва фармацевтика, энгил, озик-овқат ва қурилиш материаллари санюатлари ҳамда бошқа соҳаларни қамраб олган эди.

Буларнинг бари ишлаб чиқарувчиларимизга ўзларининг келгусидаги фаолиятларини мукамал режалаштиришлари, бюртмалар портфелини шакллантиришлари учун кенг имкониятлар яратилиши, умуман олганда, иқтисодий таъминоти раванкига хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Иқром ЎТБОСАРОВ, Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИНГ ЧИНАКАМ КЎЗГҶСИ

кадагига нисбатан 3 баробар кўп, деганидир. Бошқача айтганда, келгуси йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларимизга тўлиқ бюртма олинб, олди-соти бўйича бир йиллик фаолиятимиз тўлиқ кафолатланди.

Чиндан ҳам, Халқаро санюат ярмаркаси ва Кооперация биржаси юртимиз санюатчиларининг келгуси фаолиятини ривожлантириш, хорижлик ҳамкорлар топиш, янги бозорларга кириб боришда муҳим аҳамият касб этаёттир. Бу йилги форум доирасида, жумладан, "Ўзметкомбинат" бирлашмаси жамоасининг Афғонистон, Қозғистон, Қирғизистон, Эрон сингари ўнга яқин давлатларга 162 миллион АҚШ долларлик маҳсулот етказиб бе-

мумкин. Чунки ярмарка ва бирсол кутилганидан ҳам самарали ўтди.

Хорижлик мухтаassisларининг эътироф этишича, мамлакатимизда кейинги йилларда Маҳаллийлаштириш дастури хайъта изчил таъкил этиляётгани янгиликларини ишлаб чиқаришнинг ўз навбатида, экспорт салоҳиятини ошишини таъминляпти. Жорий йилнинг 9 ойида юқори маҳсулотларнинг 100 дан ортиқ тури ўзлаштирилгани, натижада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми 2 баробарга ортиб, уларнинг қиймати 2,6 миллиард АҚШ долларини ташкил қилгани шундан далолат беради.

маҳсулотлар тақлиф этилди. Мижас учун, "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бишлоқмасида 2010 йилда импорт ўрнини босувчи 10 турдаги маҳсулот пироваардида йилга 1,5 миллион АҚШ доллар миқдоридидаги маблагни тежаш имконини яратди. Ёки бўлмаса, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК тизимидидаги корхоналарда ўтган қисқа даврга темир йўл вагонлари ва локомотивлар учун 200 дан ортиқ турдаги бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилган бўлса, шу мақсадда 2009 йилнинг ўзида 25 та лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 60 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришилди. Маҳаллийлаштириш дастури доира-

гали бундай ижобий ўзгаришлар келгусида ҳам изчил давом этишини аниглади.

Тахлилларга қараганда, тадбирлар, хусусан, "GM Uzbekistan" қўшма корхонаси учун ҳам муваффақиятли бўлди.

— Йигирмадан ортиқ корхоналар билан кооперация алоқаларига киришиб, қиймати 400 миллиард сўмликдан зиёдкор шартнома туздик, — дейди ушбу қўшма корхонанинг бўлим бошлиғи Кандиёр Асадов. — Бу ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз кўпдир. Қувонарлиси, ҳамкорларимиз саъй тобора кенгайиб бораёттир. Намангандаги автомобил чироқлари ишлаб чиқариладиган корхона — шулардан бири. Замонавий технологиялар

да Асакадаги "GM Uzbekistan" қўшма корхонасида ишлаб чиқариляётган замонавий автомобиллар учун жойлардаги 100 дан ортиқ маҳаллий корхоналар импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар етказиб бермоқда. Аниқроғи, автомобилсозлик учун зарур эҳтиёт ва бутловчи қисмларнинг 50 фоизи ўзимизда тайёрланапти. Бу эса, ўзбек автомобилсозлигининг янада тараққий этишича, янги модификациядаги машиналар ишлаб чиқариш ва уларнинг ташки бозорда рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилапти. Ярмарка доирасида тақдироти ўтказилган "Матиз" синфига мансуб, янги "М-300" модели бунинг далилидир. 2010 йилнинг август

24 соат ичида

ЖАХОН

“Рейтер” ахборот агентлиги хабарига қараганда, Ироқ пойтахти Бағдод шаҳри марказида содир этилган портлашларни “Ал-Қоида” террорчилар гуруҳи ўз зиммасига олган.

Зиммасига олди

Эслатиб ўтамиз, 25 октябрь кўни мамлакат Адлия вазирлиги биноси ва Бағдод ҳокими қароргоҳи яқинида амалга оширилган портлашлар оқибатида 150 га яқин одам ҳаётдан кўз юмган, 700 дан ортиқ киши эса турли даражада тан жароҳати олганди.

Товон пули талаб қилишяпти

Сомалилик қароқчилар Ҳинд океанида кичик бир кемани гаровга олганлар.

Манбада айтилишича, ушбу кемада Буюк Британиялик икки киши бўлган. Ҳозирча уларга ҳеч қандай зиён етказилмаган. Қароқчилар кемани қўйиб юбориш учун тоvon пули талаб қилишяпти.

Грипп хавфи

Туркия соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига кўра, мамлакатда А/Н1Н1 гриппи билан боғлиқ илк ўлим ҳолати қайд этилди.

Шу боис жойларда касаллик тарқалишининг олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар янада кучайтирилди. Грипп аломатлари борлиги тахмин қилинган ҳудудлардаги таълим муассасалари фаолияти вақтинча тўхтатилди.

Кема ҳалокатга учради

Эгей денгизининг Лесбос оролида муҳожирларнинг олиб кетаётган унчалик катта бўлмаган кема ҳалокатга учради, дейилади “Би-Би-Си” ахборотида.

Фалокат юз берган вақтда кемада йигирмага яқин одам бўлган. Улардан олти нафари ҳаётдан кўз юмган, икки йўловчи эса бедарак йўқолган. Ун киши қутқариб қолинган.

Кўприк кулаб тушди

Малайзия гарбида жойлашган Перак штатида осма кўприк кулаб тушди.

Бу ҳақда “Ассоэйтед Пресс” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Фожиа ҳудуддаги мактаблардан бирининг ўқувчилари сайрга олиб чиқилган вақтда юз берган. Оқибатда кўприкдан ўтаётган ўқувчилар 50 метр баландликдан тушиб қетишган. Айни пайтда бир нафар бола ҳалок бўлган ва икки нафари бедарак йўқолган. Йигирма нафар ўсмир эса қуқариб олинган. Ҳозирча фалокат сабаблари-га ойдинлик киритилгани йўқ.


Хорик матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Яқинда Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳрида 61-Халқаро китоб ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 125 мамлакатидан 17 миң наشريёт компаниялари ўзларининг энг сара маҳсулотларини, матбаачилик соҳасидаги тажрибалари, эришган ютуқ ва муваффақиятларини намойиш этди. Ушбу нуфузли халқаро китоб форумида юртимизнинг “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси, Гафур Фулом номидаги наشريёт уйи, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, “Ўзбекистон”, “Маънавият”, “Ўқитувчи” ва “Чўлпон” каби йирик наشريётлари иштирок этди.

GERMANIYADA ЎЗБЕК КИТОБЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Бу йилги ярмаркада мамлакатимиз ноширлари ўзларининг 300 дан ортиқ маҳсулотлари билан қатнашдилар. Турли-туман китобларга бой бўлган Ўзбекистон павильони Германия ва дунёнинг барча бурчакларидан бу ерга келган китобсеварлар билан гавжам бўлди. У Германия, Россия, Польша, Чехия, Украина, Беларусь ва бошқа кўплаб мамлакатлардан келган расмий вакиллар ҳамда ноширларнинг эътиборини ўзига тортди. Франкфурт-Майн халқаро ярмаркаси доирасида ўтказилган ўзбек китоблари тақдими то мамлакатимиз ноширларининг ҳақиқий байрамига айланди, дейиш мумкин.

Тадбирда ҳозир бўлганлар мамлакатимиз ноширлари фаолияти, хориқлик шериклар билан ҳамкорлик ўрнатилган мавжуд имкониятлар ҳамда Ўзбекистоннинг миллий матбаачилик санъатини юксалтириш истиқболлари тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлдилар. Тақдимида сўз олган озарбойжонлик ношир Жаъфар Багиров, немис олимиси Е. Келлер, франциялик ношир Ш. Ленуи, сингапурилик матбаачилар Жонатан Лон ва Тох Боон Хо ҳамда бошқалар сўнги йилларда Ўзбекистонда матбаачилик соҳасида жадал ўсиш



суръати кузатилаётганини, ўзбек ноширларининг самарали меҳнати махсули уларок, халқаро андозларга мос равишда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар бунинг ёрқин намунаси эканини эътироф этти.

Хусусан, Е. Келлер хоним Ўзбекистон матбаачилик соҳаси билан яхши таниш эканини қайд этди. “Менинг фарзандим Самарқанд давлат университетида таҳсил олиб, археология соҳаси бўйича дастлаб

бакалавр, сўнгра магистрлик дипломини олди. Хар гал таътилга чиққан кезлари у Ўзбекистонда чоп этилган турли китоблардан намуналар олиб келар, ўзбек олимлари, улар яратган турли мавзулардаги асарлар ҳақида тўққинлиқниб гапирар эди. Фарзандимдан эшитганларимга мана бугун ўзим ҳам шахсан гувоҳ бўлиб турибман. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда бошқа соҳалар сингари ноширлик санъати ҳам юқори

даражага кўтарилибди”, деди германиялик олима.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси, “Ўзбекистон” ва “Маънавият” наشريёт уйлари томонидан Тошкентнинг 2200, Самарқанднинг 2750 ҳамда Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейларига бағишлаб босмадан чиқарилган альбомлари тадбир қатнашчиларининг олқишига сазовор бўлди. Шунингдек Ўзбекистон наشريёт соҳаси усталари томонидан яратилган бошқа кўплаб маҳсулотлар ҳам павильонга ташриф буюрган меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Китоб ярмаркаси доирасида Ўзбекистон ноширлари хориқлик ва немис ҳамфаатли билан кўплаб учрашувлар ўтказишди, наشريёт-полиграфия соҳасида икки томонлама манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро таъриба алмашиш, мутахассислар малакасини ошириш ҳамда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун соҳага замонавий технологияларни жалб этишга оид қатор масалаларни атрофича муҳокама қилдилар. Шунингдек, улар ўрта-сизда ўзаро манфаатли битимлар ҳам имзоланди.

Франкфурт-Майн китоб ярмаркаси унинг иштирокчилари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш билан бирга, ярмаркага келганлар учун ранг-баранг хориқий адабиётлар ва турфа маданиятлар билан яқинроқ танишиш имконини берди. Буларнинг барчаси ярмарка қатнашчилари ва меҳмонларнинг мамлакатшунослиқка оид билимларини янада бойитишга ҳамда маданиятлараро мулоқотни муостаҳкамлашга хизмат қилади.

Шухрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА, Франкфурт-Майн

КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

тадбиркорлар ва инвесторлар учун қўшимча қулайликлар туғдирмоқда

Тахиятош шаҳридаги 109-автокорхона ўтган йиллар мобайнида банкротга ўраб, қаровсиз ҳолга келиб қолган эди. Қорақалпоғистон Республикаси Кўчмас мулк биржаси томонидан 2008 йилнинг 25 мартда ўтказилган аукцион савдосида мазкур автокорхона ва унга қарашли автовокзал кўп тармоқли “Гулноз” хусусий фирмаси томонидан сотиб олинди. Кенг қамровли қурилиш-таъмирлаш ишларидан сўнг бу ерда 160 ўринли маросимлар зали, ҳам олиш ва овқатланиш нуқталари, «Paynet» хизмати шохбачаси фаолияти йўлга қўйилди. Фирма раҳбари Баян Примбетованинг таъкидлашича, тез орада бу ерда яна бир қатор сервис хизмати шохбачалари иш бошлади. Шунингдек, айни кунларда автовокзал ён-атрофларида ободонлаштириш ишлари ҳам жадал олиб боришмоқда.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида фаолият бошлаган мазкур Кўчмас мулк биржаси ўтган даврда бир қатор хайрли

ишларни амалга оширди. Бугунги кунда эса компьютер техникалари ва бошқа замонавий ускуналар билан жиҳозланган биржада аукцион савдолари бутун республика кўламида марказлаштирилган ҳолда, янги дастурли электрон тизим орқали юритилмоқда. Бунда биржа аъзолари, яъни брокерлар марказлашган биржа савдоларида ўзларининг хусусий код ва пароллини киритган ҳолда, эркин иштирок этишлари мумкин аҳамият касб этапти.

Жараён

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биржа савдоларининг профессионал қатнашчилари мамлакатимизнинг исталган ҳудудида туриб, ўз компьютерларидан савдо тизимида боғланиш орқали бошқа қатнашчилар билан бир пайтда савдо қилишлари мумкин. Бунинг учун барча қулайликлар яратилган. Қорақалпоғистон Республикаси Кўчмас мулк биржаси мутахассислари ҳам ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда фаолият юритишмоқда. Ўтган йили 279 та брокерлик корхонаси биржага аъзо бўлиб, улар 316 та брокер савдосида фаол иштирок этишди.

Кўчмас мулк биржасининг кейинги йиллардаги фаолияти тахлили шуни кўрсатадики, тадбиркорлар ва инвесторлар ўз маблағлаштирилган ҳолда, янги дастурли электрон тизим орқали юритилмоқда. Бунда биржа аъзолари, яъни брокерлар марказлашган биржа савдоларида ўзларининг хусусий код ва пароллини киритган ҳолда, эркин иштирок этишлари мумкин аҳамият касб этапти.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биржа савдоларининг профессионал қатнашчилари мамлакатимизнинг исталган ҳудудида туриб, ўз компьютерларидан савдо тизимида боғланиш орқали бошқа қатнашчилар билан бир пайтда савдо қилишлари мумкин аҳамият касб этапти.

Кўчмас мулк биржаси мутахассислари келгусида хизмат кўрсатиши янада ривожлантириш, савдолар кўлами ва даромад манбаларини кўпайтириш, шу орқали молиявий аҳволи яхшилаш чораларини излашмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«SIMAKX-PARS»: ИЗЛАНГАНГА ИММОН КЎП

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида иқтисодий тармоқлари, шунингдек, аҳоли турмушида зарур бўладиган маҳсулотларни ўзинида ишлаб чиқариш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда жойларда янги корхоналар ташкил этилмоқда. Пойтахтдаги «Simakx-Pars» хусусий корхонаси — шулардан бири.

Мазкур корхонанинг ишга туширилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо «Simakx-Pars» ўтган тўрт йил мобайнида турли поролон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик корхонага айланди. Эндиликда бундай маҳсулотлардан истеъмолчилар ўз эhtiёжлари учун фойдаланмоқдалар.

Эътиборли жиҳати, бу ерда малакали мутахассислар Россиянинг замонавий технологияси асосида меҳнат қилиб, иш суръатини ошириш билан бирга, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Бунда, табиийки, тайёрланаётган маҳсулотлар доимий назорат қилиб борилаётгани мумкин аҳамият касб этапти, десак, муболага бўлмайди. Бундан ташқари, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сертификатланганлиги ҳам «Simakx-Pars»нинг мавқеи ошиб боришини таъминлаётди.

— Бизда маҳсулотларни тайёрлашда юқори сифатли хом ашёлардан фойдаланилади, — дейди биз билан суҳбатда корхона директори Солиҳжон Зокиров. — Бу борода россиялик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Шу билан бирга, корхонамизда, жумладан, йилнинг қайси фасли бўлишидан

қатъи назар, цехларда ҳамиша 20 даража иссиқлик бўлиши зарурлиги эътиборимизда турибди. Чунки бу маҳсулотларнинг юқори сифатлилигини таъминлаш имконини беради.

Корхонада бўлганимизда, технологик жараёнлар билан қизикдик.



Мана, махсус хом ашё аниқ ва белгиланган меъёрга лаборатория текширувидан ўтказилиб, сўнг улар ускуналар ёрдамида аралаштирилиб, қолипларга қуйилмоқда. Турли ҳажмдаги тайёр поролон маҳсулотлари эса бир кеча-кунда мўйинида алоҳида хоналарда қури-

таётди. Шундан кейин дастгоҳларда дастлаб уларнинг ён томонлари текислаиб, хар бири белгиланган қалинликда ускуналар ёрдамида қирқилди. Шу аснода уларга қандай рангда буюртма тушган бўлса, маҳсулотларга шу хилда ранг ҳам берилди. Улар-

айтиш керакки, уй жиҳозлари сифатида ишлатиладиган юмшоқ мебеллар, транспорт воситаларининг ўриндиқлари, тиббиёт муассасаларидаги қуштаклар, спорт анжомлари айнан «Simakx-Pars» маҳсулотларидир.

— Корхонамизда 40 нафар кишининг унумли меҳнат қилиши, кўнгилли хордиқ чиқариши учун қулай шарт-шароитлар яратилган, — дейди ишчи Алишер Музаффаров. — Жумладан, ошхона, дам олиш хоналари мавжуд. Иш икки сменада ташкил этилгани учун, ҳатто, ихтиёримизга махсус транспорт воситаси бериб қўйилган. Бизнинг масъулият ва жонбозлик билан меҳнат қилаётганимиз боиси ҳам ана шунда.

Қувонарлиси, «Simakx-Pars» маҳсулотлари Олмалик, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Қарши ва бошқа шаҳарларга етказиб берилляпти. Шунингдек, Самарқанддаги «СамАвто» корхонаси, «Сторож А.В.», «Катрис» хусусий корхоналари, «Олмазормебель» АЖ, «Ўзкимёваш» ОАЖ сингари ташкилотлар ҳам бундай маҳсулотларнинг доимий харидорларидир.

Корхона жамоасининг ўз олдига қўйган мақсадлари катта. Шу сабабли меҳнат аҳли тинимсиз изланыпти. Изланган эса ҳамиша имкон топади.

Маъсуда ЁҚУБОВА, СУРАТДА: корхона ҳаётдан лавҳа. Ҳасен ПАЙДОВ олган сурат.

«Росагропромснаб» МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК ФИЛЬТРАРИ, ИЗО МУФТАЛАРИ

Маҳсулот сертификатланган.

Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, Ц.даҳани, 6-уй.
Мўлжал — «Шухрат» дўкони жойлашган чорраха.

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

ТОПЛИВНЫЕ КОТЛЫ

КАФЕЛЬ

(облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА

(унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73.

Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127.
zakamsk-group@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий таълим ва таълим вазирлиги жамоаси вазирлик маъсул ходими Юлдаш Курбановга падари буюрқуори САМАТ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда қасаба уюмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА вице-президенти вазифасини бажарувчиси Саъдулла Лутфуллаевага укаси Ҳикматулла ЙЎЛДОШЕВНИнг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

“Муштум” журнали жамоаси маркетинг хизмати раҳбари Муродали Холиёрова онаси Тула ял АБДУЛЛАЕВНИнг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Чиноз балиқларга омикта ем тайёрлаш корхонаси» АЖ

балик, парранда, қорамолларни боқиш учун тайёрланган, донатор омикта ем ва омикта ем тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёлар (ингредиентлар)ни СОТАДИ.

Дон маҳсулотлари: маккажўхори, бугдой, арпа ва соя шрот, кунгабоқар шрот, ҳамда омикта ем тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёлар (ингредиентлар)ни СОТИБ ОЛАДИ.

Манзил: Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри.
Телефонлар: (+998 71) 215-51-52/53, (+998 93) 184-67-45. Факс: (+998 71) 233-18-12.
E-mail: chzrgk@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган.

SONATA Ўз йўлингни танла!

Тўловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин.

КАФОЛАТ — 2 йил.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner Tel. 250-11-11


Бетакрор обидаларию муқаддас қадамжолари билан дунё халқларини ўзига ром айлаган Самарқанд бугунги кунда янада чиройли ва кўркам бўлиб бормоқда. Бу ерда олиб борилаётган кенг кўламдаги ободончилик ва қурилиш ишлари, айниқса, туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги сайёҳаракатлар хорижий сайёҳлар ва меҳмонларда хуш таассурот қолдирмоқда.

ҚАДИМИЙ, ЖОЗИБАДОР ВА МУҚАДДАС

Хусусан, 2004 йилда Юртбошимиз раҳнамолигида "Тошбошлан" ЛИТИ лойиҳа институти томонидан Самарқанд шаҳрини ривожлантиришнинг 2025 йилгача мўлжалланган бош режасининг ишлаб чиқилгани шаҳар манзарасининг буткул ўзгаришига хизмат қилмоқда. Лойиҳа асосида дастлаб шаҳарнинг эски қисмида, Регистон ва унинг атрофида улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди. Пасқам, кўрimsиз иншоотлар олиб ташланиб, ободонлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, Самарқанднинг бош дарвозалари бўлиши аэропорт ва темир йўл вокзали жаҳон андозаларига мос равишда қайта тасмирланиб, уларда йўловчилар, айниқса, сайёҳлар учун барча қулайликлар яратилди. Тошкент кўчаси ва Университет хиёбони сайёҳларнинг сеvimли гўшасига айланди.

Самарқанд аэропортига келиб тушиш билан қалбимни ёқимли хислар эгаллади, — дейди америкалик сайёҳ Биг Маутини Жеймс Буффало. — Марказий Осиёга, Ўзбекистонга илк мартаба келишим. Ниҳоятда гўзал, озода шаҳар экан. Шарқ меъморчилиги санъатига хос қадимий обидалар, хушфел, меҳмондўст одамлар — буларнинг бари мени хайратга солди. Шаҳарнинг сўлим боғ ва хиёбанлари, сержило фавворалари, халқингизнинг юксак яратувчанлик салоҳиятининг дарак берувчи маҳабатли иншоотлар ҳар қандай киши-



яни йўналишлар жорий этилаётти. Чет элларда ўтказилаётган халқаро ярмаркаларда самарқандликларнинг иштироки ортмоқда. Дунёнинг кўпбал давлатларидан ташриф буюраётган йирик туроператорлар билан ҳамкорлик шартномалари имзоланмоқда.

Шунингдек, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қoшida вилоятдаги туризм соҳаси ҳодимлари малакасини ошириш бўйича "Туризмни ривожлантириш маркази" ташкил этилди. Бу ерда "Сайёҳлик операторлиги", "Меҳмонхона менежери" ва "Меҳмонхона бекаси" йўналишлари бўйича 100 га яқин мутахассислар ўз малакаларини ошириб, махсус сертификатга эга бўлишди.

ҚЎШИҚ ЭЗГУЛИККА УНДАСИН

Ўзбек мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг илдизи теран, пойдевори мустақкам. Шу боис санъатимиз асрлар оша тараққий этиб, тақомиллашиб келаяпти. Қолаверса, хонандаю созандаларимизнинг хорижий давлатларда ўтказилган турли танлов ва фестиваллардаги муваффақиятли иштироки доврғимизни дунёга таратишга хизмат қилмоқда.

Мана, бундан қарийб икки ой муқаддам қадимий ва навошан Самарқанд замини жаҳоннинг қирқдан зиёд мамлакатидан келган мусиқа ихлосмандлари иштирокидаги катта санъат байрами — "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига еттинчи бор мезбонлик қилди. Албатта, ана шундай нуфузли тадбирнинг мамлакатимизда анъанавий равишда ўтказилаётгани бу соҳадаги муваффақиятларимиз жаҳон миқёсидан тана олганга, эътироф этилаётганидан далолат беради. Бироқ санъатимизнинг эртаси, тараққий этишида сўз кетар экан, айрим ҳолатларни кўз ўнгимиздан ўтказиб, баъзи мулоҳазалар дилимиздан ўтади.

Бугун мамлакатимизда ойна жаҳон орқали намойиш этилаётган кўрсатувлар, концерт дастурлари, санъаткорларимиз чиқишларини мунтазам кузатиб бораман. Очиги, ана шундай дамларда айрим ёш санъаткорлар, иходий гуруҳлар ихросидаги куй-қўшиқларини эшитиб, ўйга толасан, киши. Ваҳоланки, омма эътиборига ҳавола этилаётган бирор иход маҳсули — хош шёр бўлсин, хош қўшиқ бўлсин, ўзида маълум гоҳ, фикр, мазмунни муҳасам этиши лозим эмасми?! Умуман, савиясиз, маънавий-ахлоқий қарашларимизга зид қўшиқлар билан халқ маънавиятини юксалтириш, санъатимизни дунёга кўз-кўзи қилиш мумкинми?!

"Ягонасан, муқаддас Ватан!", "Қалбимда Ватан мадҳи" каби қўшиқ-танловлар ана шундай хайрли ишлар сира-сидан. Бунинг натижасида, ҳатто, чека ва олиқ-қизларнинг ҳам иқтидорини юзага чиқаришга эришиляпти. Пойтахтда фаолият курсатаётган Ўзбекистон давлат консерваториясининг янги биноси кўринг, нақ қошона, дейсиз. Шунингдек, жойлардаги мусиқа ва санъат мактаблари-чи? Уларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш ва фаолиятини янада яхшилаш мақсадида Янадементининг қарорига мувофиқ, 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётгани ҳам яна бир юксак ғамхўрликнинг ифодасидир. Хўш, бундан ортқ яна қандай эътибор ва имкониятлар бўлиши мумкин? Шундай экан, мазмунан савё, савиясиз, ҳатто, ёш авлодини маънавий тубанликка бошловчи айрим "иход намуналари"нинг яратилиши билан келишиб бўладими? Бирор бир қўшиқни тасмага тушириб, уни омма эътиборига ҳавола этишда хонандадан тортиб, ўзи эфирга узатишга маъсул бўлган мутахассисларга обдан фикрлаб, сўнгра тегишли қарор қабул қилинса, ўйламанки, санъатдаги баъзи иллатларнинг олди олинган бўлади.

Мулоҳаза

Ўсиб келаётган ўсмирлар, йигит-қизларимиз, истаъимизимиз, ёш хонандаларга тақлидан кийинишга, гапиришга ҳаракат қилишяпти. Хўш, бундан қувонишимиз лозимми ёки аксинча, қайғуришимиз? Бундай дейишимизнинг боиси бор, албатта. Чунки хонандаларнинг қўшиқларига ишланаётган баъзи клипларни томоша қилиб, уялиб кетасан, киши. Миллийлигимизга мутлақо муносиб бўлмаган либослар, шарқона қарашларимизга зид хатти-ҳаракатлар тарғиб этилаётган бундай "антиқа" томошаларни ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмайди, деб бўлмайди.

Ваҳоланки, истиқлол йилларида бу соҳа вақилларининг эркин иход қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилиши билан бир қаторда, чинакам ихтидор ва истеъдод соҳибларини давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ниҳол",

Инсон эзгуликдан куч олиб, эзгуликка талпиниб яшайди. Санъат ҳам ана шу хайрли мақсадга хизмат қилиши билан қадри ва қудратлидир. Демак, хонандаю созандаларимиз ана шундай эзгу мақсад-мудда билан иходга қўл урсалар, инсонларни комиллик учундовчи қўшиқларимиз бисоти янада бойиб боравериши тайин. Зеро, бунинг учун юртимизда ўрнагу ибрат олишга муносиб санъаткорларимиз, ҳақиқий истеъдод эгалари жуда кўп.

Шухрат ҲАМРОЕВ,
«Меҳнат шухрати» ордени соҳиб, фахрий педагог,
Нурота тумани

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Спорт

УЧ ГАЛАБА, БИР ДУРАНИГ

Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган футбол бўйича Осиё чемпионати саралаш баҳсларини Ўзбекистон ўсмирлар (U-16) терма жамоаси муваффақиятли ўтказди.

Мусобақада "А" гуруҳидан жой олган Алексей Еастафеев шогирдларига Саудия Арабистони, Кувейт, Афғонистон ҳамда Покистон терма жамоалари рақиблик қилди. Эътиборли томони, вақилларимиз дастлабки уч учрашувни йирик галаба билан якунлашга муваффақ бўлишди. Дастлабки турда покистонлик тенгқурларини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратган ёш футболчиларимиз иккинчи турда кувейтликлар устидан ҳам худди шундай ҳисобда зафар қучишди. Афғонистон ўсмирлар терма жамоасига қарши ўтган учинчи тур баҳсида эса ҳисоб бундан-да йирикроқ бўлди — 0:4. Бу галаба вақилларимиз учун Осиё чемпионатида чиқиш масаласини амалда ҳал қилди. Шундай бўлса-да, гуруҳ пешқадамини аниқлаб берувчи сўнгги турда Саудия Арабистони ўсмирлар терма жамоасига қарши майдонга чиққан ҳамюртларимиз дуранг (0:0) натижа қайд этишди ва ўн очко жамғарган ҳолда гуруҳ голибига айланишди. Қувонарли жиҳати шундаки, турнир давомида бирор бир жамоа вақилларимиз дарвозасини ишғол қилишининг уددасидан чиқа билмади.

Фозилдин АБИЛОВ.

Наманган шаҳридаги "Паҳлавон" спорт мажмуаси бундан икки йил аввал ёшлар ихтиёрига топширилган эди. Кўп ўтмай, замон андозаларига мос ушбу муҳташам мажмуада 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият бошлади. Аини пайтда бу ерда спортнинг тўққиз тури бўйича ёшлар тарбияланмоқда. Уларнинг кўпчилигини турли нуфузли мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритган йигит-қизлар ташкил қилади.

— Бугун ёшларимиз орасида спортга қизиқувчи ихтидор эгалари жуда кўп, — дейди мактаб директори Р. Низомбоев. — Энг муҳими, улар учун мамлакатимизда барча зарур шароитлар яратиб берилмоқда. Бизнинг асосий вазифамиз ёшларнинг қобилиятини ўз вақтида илғаб, спортнинг маълум бир турига тўғри йўналтириш, маҳоратини ошириб боришдан иборат. Табиийки, бу борада ота-оналар зиммасидаги масъулият ҳам катта. Уларнинг кўмаги билан мактабимизнинг спортсевар ёшлари сафи тобора кенгайиб бораёпти. Масалан, Бобурмирозо Ғуломовни отаси мактабимизга етаклаб келганида, йигитчининг боксга қизиқиши катта эди. Биринчи тоифали спорт устаси Бахтиёр Рустамов уни қаноти остига олиб, маҳоратига сайқал берди. Эндликда моҳир боксчига айланган Бобурмирозо ўн олти ёшидаёқ мамлакат чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Дарҳақиқат, уста кўрган шогирдининг йўриги булакча. Мактабда фаолият кўрсатаётган 30 нафар мураббий жисмоний етуклик машқлари билан мунтазам шуғулланаётган ўғил-қизларнинг ҳар бири билан алоҳида машғулот олиб боради. Жумладан, енгил атлетикачилар мураббий Жамил Шоъзамов ва унинг турмуш ўртоғи Светлана 60 нафар ўғил-қизга сабоқ беришади. Шогирдлари турли даражадаги баҳс-

ОБ-ҲАВО (28 октябрь)

Қоракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгингарчилик бўлмайди. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илқ атрофида, кундузи 7-12 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёнгингарчилик қутилмайди. Харорат тунда 2-7 даража илқ, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб ёмғир ёғади. Айрим жойларда ёмғир қорға айланиши мумкин. Кечаси 2-7 даража илқ, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб ёмғир ёғиб, қорға айланиши қутилмоқда. Харорат тунда 2-7 даража илқ, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгингарчилик бўлмайди. Кечаси 3-8 даража илқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёмғир ёғиб, айрим жойларда қорға айланиши мумкин. Тунда 2-7 даража илқ, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб ёмғир ёғиб, қорға айланиши эҳтимоли бор. Харорат тунда 0-2 даража илқ, кундузи 12-14 даража иссиқ бўлади. «Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

«ПАҲЛАВОН»ДА ЧЕМПИОНЛАР КАМОЛ ТОПАДИ

ларда устунликка эришган паллада сабр-тоқат билан қилган меҳнатлари мевасини кўриб, дили яйраб кетди уларнинг. Бундан бир неча ой муқаддам Андижон шаҳрида қизлар ўрта-сида ўтказилган "Баҳор малакиси" республика мусоба-



қасида бир йўла тўрт нафар шогирди биринчи ўринни эгаллаб, устозларининг ишончини оқлашди. Яна бир қувончли томони, бугун ентайёргарчиликни ниҳосига етказишяпти. Мактабда ўз муваффақияти билан тенгдошларига ўрнат қўлаётган бундай ёш

Болалар спорти

спортчилар талайгина. Жумладан, Тимур Сайдалиев ва Дилшод Қўнонов баскетбол бўйича республика биринчилиги голиби бўлишган бўлса, Тимур Маматқўлов, Алишер Эргашев, Максим Тимакос сингари маҳорат эгалари кўраш бўйича мамлакат чемпиони сифатида доврқ қозонишган. Умуман олганда, бўлажақ чемпионлар масканида олиб берилаётган маҳорат машқлари ўз самарасини бераёпти. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида мактабнинг 50 нафардан зиёд тарбияланувчиси турли нуфузли беллашуварда совринли ўринларни қўлга киритгани ҳам фикримиз далилидир.

Албатта, ихтидорнинг камол топиши учун алоҳида эътибор зарур. Бугун "Паҳлавон"да сабоқ олаётган саккиз юз нафарга яқин ўғил-қиз ана шундай ғамхўрлик самарасидан тўлиқ баҳраманда. Аҳамиятли жиҳати, улар орасидан истиқболда яна ўнлаб, юзлаб чемпионлар етишиб чиқиши учун бу ерда пухта замин ҳозирланган.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири,
Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган сурат.

Танлов

Қашқадарёда "Қишлоқ тараққийи ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида ўтказилаётган "Республикада энг яхши қишлоқ" танловининг вилоят босқичи бўлди.

БИР-БИРИДАН ФАЙЗЛИ ГЎШАЛАР

Унда танловнинг туман босқичлари голиблари иштирок этишди. Қишлоқда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражаси, тураржой, маданий-маиший иншоотларнинг меъморий-баддий қиёфаси, муҳандислик инфратузилмасининг ривожланиши танлов голибларини аниқлашда асосий мезон бўлди.

Яқуний натижаларга кўра, Китоб туманидаги Қабзахона, Косон туманидаги Пўлати, Миришкор туманидаги Жейнов қишлоқлари голиб деб топилди, танловнинг республика босқичида қатнашиш учун тавсия этилди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Alliance Insurance
Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!
«ALLIANCE INSURANCE» СУГУРТА ТАШКИЛОТИ
Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдаги 210-сонли «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан, ўз жавобгарлигини ташкилотимизда суғурталашни тақлиф этади.
Суғурта бўйича мутахассис тақлиф этилган жойга чиқиши таъминланади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 35-уй.
Тел.: 120-71-00, 710-30-00, 414-41-77.
www.a-insurance.uz
e-mail: alliance@a-insurance.uz
Лицензия СФ № 00121

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуночилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекс — 229. Буюртма Г — 903. 32373 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Копияш 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Ташриятта келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Т-Тижорат материали

• МАНЗИЛИМIZ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бутаев.
Навбатчи — Ф. Абдулов.
Мусахҳаҳ — С. Исмолов.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 23.50
1 2 3 5